«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Акобир Тўхтаев «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

// 04.01.2025
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/talimhomiysi

Президентимиз томонидан мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур деган муҳим ғоя илгари сурилган. «Ўзкимёсаноат» АЖда ҳам ушбу ғояни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳомийлигида Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида жойлашган 19-мактабни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан таълим муассасаларидаги кимё ва биология синф хоналари ҳамда уларнинг лабораторияларини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ўқувчилар учун зарур-шарт-шароитларни яратиш каби саъй-ҳаракатлар доимий амалга ошириб келинмоқда.

Халқ таълими тизимига кўрсатилаётган эътиборни эътироф этган ҳолда, «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Акобир Тўхтаевга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим ҳомийси»кўкрак нишони топширилди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати